2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

24 (574)

2007 йил 13 июнь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Мамлакатимиз пиллакорлари 22 минг тонна пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини адо этдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан ўн фоиз кўпдир.

ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Пиллачилик жадал ривожланмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилнинг 15 ноябрида қабул қилинган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йилги мавсумда пиллакорларимиз 448,3 минг қути ипак қурти уруғини парваришлаб, ҳар биридан ўртача 50 килограммдан ҳосил олган. Етиштирилган ҳосилнинг 65 фоизи юқори навларга сотилди.

Етиштирилган пилланинг 87,5 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Жумладан, Жиззах вилоятининг Пахтакор ва Дўстлик, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Ғузор, Андижон вилоятининг Олтинкўл ва Балиқчи, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Чиноз туманларида фермерларнинг пилла тайёрлашдаги улуши юз фоизни ташкил этди.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Фарҳод-РМВ" фермер хўжалигида 15 қути қурт уруғининг ҳар биридан ўртача 72 килограммдан, Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги "Ҳайитбой ота" фермер хўжалигида эса ўртача 80 килограммгача "кумуш тола" олинди.

Мамлакатимиз пиллакорларининг бу муваффақиятида ўтган йилнинг кузида тутзорлар умумий майдони 4 минг гектарга кўпайтирилиб, озуқа базасининг мустаҳкамлангани, мавсумга малакали мутахассислар жалб этилиб, пиллакорлар учун зарур шарт-шароит яратилгани муҳим омил бўлди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Маълумки, донорлик тиббий амалиётда муҳим ўрин тутади. Донорлар бутун дунёда олижаноб инсонлар сифатида қадрланади. Ўзбекистонда донорлик билан боғлиқ фаолият ташкил этилганига 60 йил бўлди. Тошкентдаги "Қон препаратлари" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси пойтахтдаги барча касалхоналарни донорлар қони билан таъминловчи муассасадир. Бугунги кунда корхона энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу донорлардан олинган қон таркибини қисқа фурсатларда аниқ таҳлил қилиш имкониятини беради. Бу ерда ҳар бир донор ҳақида батафсил маълумотлар тўпланган махсус картотека мавжуд. Корхонанинг шаҳар бўйлаб 9 та қон қабул қилиш шахобчаси бўлиб, донорлардан қабул қилинган қон тезда корхонага келтирилиб, тегишли тартибда текширилади ва гуруҳларга тақсимланади.





СУРАТДА: *"Қон препаратлари" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ходими Умида Валихўжаева замонавий ускуналар билан ишлаш ҳадисини олган.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

ЯНГИ КОРХОНА — ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Айни кунларда Оққўрғон туманида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда "Оққўрғон — Квонтон" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишга тушиш арафасида.

Қўшма корхона иш бошлаши билан 300 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Айни шу кунларда Хитойдан келган 9 нафар мутахассис маҳаллий ишчиларга касбий тажрибаларини ўргатмоқда. Ушбу йилда 132 тонна пиллани қабул қилишга шай бўлиб турган қўшма корхонанинг иш бошлаши ҳар икки томон учун ҳам жуда манфаатли бўлади.

— Пиллахонани келгусида янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринларини очиш асосий вазифаларимиздандир, — дейди қўшма корхона раҳбари Абдусамат Саидаҳмедов. — Корхонага янги, замонавий жиҳозлар, ускуналар ўрнатилмоқда. Бевосита шу ернинг ўзида ипак қурти уруғини тайёрлаш имкони яратилади. Маҳаллий ёшлар пилла етиштириш бўйича замонавий билим ва тажрибани ҳам ўзлаштирадилар.

Ашурали БОЙМУРОД

Қорақалпоғистон Республикаси

Эътибор ва эътироф

ЯЙЛОВДАГИ МУЛОҚОТ

унда туман мутасаддилари элликқалъалик чўпонларга амалий ёрдам кўрсатишди

Қизилқум ва Устюрт яйловларида "Қорақалпоққоракўл"нинг 8 та махсус ихтисослаштирилган ширкат хўжаликларига қарашли минглаб қўй-қўзилар, туя ва йилқилар боқилади. Марказдан анча олисда ва мураккаб шароитдаги бу яйловларда меҳнат қилаётган чўпонларнинг ҳолидан бохабар бўлиб туриш, амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳомийлар ҳамда ҳамкорларнинг доимий гуруҳлари иш олиб бормоқда.

Яқинда Элликқалъа тумани ҳокими Неъматулла Худойберганов бошчилигида бир гуруҳ ташкилот, муассаса, корхона вакиллари Қизилқумнинг кенг саҳнида жойлашган "Бухан-Мерей" ширкат хўжалиги чорвадорларининг ишлари билан яқиндан танишишди. Улар мавжуд 38 та отарда 25 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи, 400 бош туя ва 700 бош йилқи боқаётган чўпонлар билан самимий суҳбатлашишди ва амалий ёрдам кўрсатишди. Туман чорвадорларининг норасмий маркази бўлган Чуқурқоқ овулидаги учрашувлар ҳам самарали бўлди. Мазкур овулда битта мактаб-интернат ва врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси доимо меҳнаткашлар ҳолидан хабардор. Мутасаддилар маҳаллий аҳоли билан учрашиб, уларга кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини тортиқ қилишди. Соғлиқни сақлаш ходимлари эса аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди. Мулоқотлар олис Нисак яйловларида ҳам ўтказилди ва чўпонларга чорва моллари учун озуқа — омухта ем топширилди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Эртанинг умиди

СУҒДИЁНАДА "БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ"

"SOS Киндердорф интернейшнл" халқаро жамияти кўмагида Самарқанд шаҳри Сўғдиёна мавзесида бунёд этилган "SOS-Самарқанд болалар маҳалласи"нинг очилиш маросими байрамона руҳда ўтди.

Маросимда халқаро жамият президенти Хельмут Кутин, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Абдураҳимова, Республика халқ таълими вазирлиги, "SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси масъул ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Ушбу болалар маҳалласи миссиясининг мақсади бутун дунёдаги болаларга фойда келтирувчи инсонпарварлик ғояларини илгари суриш ва чин маънодаги ижобий ўзгаришларни амалга оширишдир, — дейди "SOS Киндердорф интернейшнл" халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин. — Биз бунда болаларнинг оила, меҳр-муҳаббат ва эътиборга зориқмай камол топиши, соғлом ривожланишини кўзда тутганмиз. Ва шу мақсадни амалга оширишда бизга яқиндан ёрдам бераётган Ўзбекистон ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар, хусусан, соғлом оилавий муҳитни яратиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Мамлакатимизда "SOS Киндердорф интернейшнл" халқаро жамияти кўмагида ташкил этилаётган болалар маҳаллалари ҳам бунинг яққол исботидир.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи А.Баҳромов "SOS-Самарқанд болалар маҳалласи"га, "SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмасининг фахрий президенти номидан "Исузу" русумли автобус ва компьютер синфхонаси калитларини топширди. Шунингдек, болажонларга Тошкент шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳам тақдим этилди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Ниҳол-2007"

ҒОЛИБЛАР ТОШКЕНТга БОРАДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган анъанавий "Ниҳол" кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтган танловда йигирмага яқин ҳаваскор белгиланган йўналишлар бўйича ўз истеъдодини намойиш этди.

Мумтоз қўшиқчилик ва мусиқа йўналишида Китоб туманидан Шуҳрат Раҳмонов ва Саъдулла Бадалов, рақс, эстрада ва опера йўналишларида Қарши шаҳри вакиллари Насиба Худойбердиева, Лазизбек Қиличев ҳамда Жаҳонгир Турсуновнинг ижро маҳорати юқори баҳоланди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Спорт

Қозоғистон ва Қирғизистонда енгил атлетика бўйича ўтган халқаро турнирларда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этиб, яна иккита олимпия йўлланмасини қўлга киритди.

ОЛИМПИАДАГА ЯНА ИККИТА ЙЎЛЛАНМА

Қозоғистонда ташкил этилган халқаро турнирда енгил атлетиканинг юз метрга югуриш беллашувларида қатнашган ҳамюртимиз Гўзал Хуббиева мазкур масофани 11,20 сонияда босиб ўтди ва мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Мазкур кўрсаткич унга Пекин Олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтган халқаро турнирда эса баландликка сакраш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Светлана Радзивил бир метр 91 сантиметр натижа кўрсатиб, олтин медаль билан бирга Пекин Олимпиадаси йўлланмасини ҳам қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, ўзбекистонлик спортчилардан дастлабки олимпия лицензиясига енгил атлетиканинг ўн кураш тури бўйича Виталий Смирнов эга бўлган эди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ОСИЁДА ТЕНГСИЗ

Мўғулистон пойтахти Улан-батор шаҳрида бокс бўйича ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ўзбек бокс мактаби қитъада етакчи эканини яна бир карра исботлади.

Нуфузли мусобақада Шароф Худойбердиев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўн нафар боксчидан еттитаси шоҳсупага кўтарилди.

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элшод Расулов, Олимпиада ўйинлари совриндори Рустам Саидов ва умидли боксчимиз Аббос Отаев олтин медаль ва Осиё чемпиони, деган шарафли унвонни қўлга киритди.

Орзубек Шоимов ва Беҳзод Хидиров кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, учинчи ўринни эгаллаган Олимжон Назаров ва Жасур Матчоновга бронза медаль топширилди.

Осиё чемпионатида жами еттита медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган талаба-ёшларнинг катта спорт байрами — "Универсиада — 2007" мусобақаларига старт берилишига ҳам оз фурсат қолди. Айни кунларда мусобақалар ўтказилиши мўлжалланган спорт майдонларида таъмирлаш ва тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бир нечта талабалар турар-жойлари мусобақа иштирокчиларини кутиб олишга шай қилиб қўйилди.

Хусусан, "Универсиада — 2007" спорт мусобақаларининг бир қисми ўтказилиши режалаштирилаётган Тошкент темирйўл-муҳандислик институтида ҳам ҳозирлик ишлари қизғин. Институтнинг спорт майдони қайта таъмирланиб, мусобақани кўнгилдагидек ўтказиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

СУРАТДА: *Тошкент темирйўл-муҳандислик институти спорт майдонининг таъмирдан кейинги кўриниши.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ОИЛАВИЙ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Қарши олимпия захиралари спорт коллежида енгил атлетика бўйича оилавий спорт мусобақаларининг мамлакат босқичи якунланди.

"Ўзбекистон хотин-қизлари ва ёшлари гиёҳвандликка қарши" мавзуида ўтган баҳсларда спортчилар югуриш, акробатика, мерганлик, узунликка сакраш ва арқон тортиш бўйича куч синашди.

Андижон вилояти шарафини ҳимоя қилган Азамат Юсуфжонов оиласи барча шартларни аъло даражада уддалаб, ғолибликни қўлга киритди. Қорақалпоғистонлик Ботир Нажимов ҳамда қашқадарёлик Илҳом Холбозоров оиласи кейинги ўринларни эгаллади.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Боксчиларимизга балли, чемпионларимиз яна кўпайибди, жўра!

Саҳифаларимизда ўқинг:

2 ▶ Аразлаган келинларнинг аразлари очилди...

▶ Меҳнатига яраша рағбат топган раиса

3 ▶ Нодоннинг донолик даъвосини кўринг...

▶ Таом таъми туз билан, туз фойдаси ...йод билан!

4 ▶ Меҳр қалбдан қалбга қуйилади

▶ Сузолмаган сув бўйида этик ечмасин!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Навоий вилояти

"МАҲАЛЛА" — МАКТАБ ҲОМИЙСИ

Кармана туманидаги 25-сон махсус таълим мактабида 265 нафар имконияти чекланган болалар таҳсил олишади. "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Эркин Эрназаровни илм даргоҳининг барча болажонлари бирдек танишади, бирдек ҳурмат қилишади.

Чунки оқсоқол мактабга тез-тез келиб туради. Ўтказиладиган тадбирларда қатнашиб, унинг иштирокчиларига совғалар улашишни канда қилмайди. Бундан ташқари, бўлинма томонидан доимий равишда илм даргоҳи болажонлари учун турли кўнгилочар ва хайрли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жамғарма томонидан ажратилган 1,5 миллион сўм маблағ ҳисобига махсус мактаб қошида янгидан қуриб фойдаланишга топширилган болалар боғчаси биноси учун зарур жиҳозлар сотиб олинди. Ҳозирги кунда бу муассасада 17 нафар бола тарбияланмоқда. Шунингдек, мактаб ошхонаси ҳам жамғарма томонидан тўлиқ таъмирлаб берилди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган тўгараклар учун зарур бўладиган жиҳозлар сотиб олиб беришни ҳам бўлинма ўз зиммасига олган.

Махсус мактабда ташкил этилган "Гулғунчалар" болалар дастаси "Маҳалла" билан доимий ҳамкорлик қилиб келади. Дастанинг тез-тез маҳалла гузарларида, ўқув муассасаларида бўлиб, ўз дастурларини намойиш этишига бўлинма ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, бўлинма томонидан совға қилинган мусиқа маркази даста қатнашчиларининг машғулот соатларида ниҳоятда асқотаяпти.

Дарвоқе, Эркин Эрназаров бошчилигидаги "Маҳалла" жамоаси яқин кунларда мактаб болаларининг табиат қўйнида дам олишини ташкил этиш ва янги ўқув йили арафасида уларга ўқув қуроллари сотиб олиб беришни режалаштирган.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Тизимда кимлар ишлайди?

Наманган вилояти

ОҚСОҚОЛнинг КЎНГЛИ ТЎЛГАН КУН

"Халққа нафим тегмаган кунни умрим ҳисобига қўшмайман", дейди Бураматут маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Юсуфжон ака

Бундан тўрт йил муқаддам Тўрақўрғон туманидаги Бураматут маҳалласида аҳвол анча ёмон эди. Ҳудудда майда ўғрилик, безорилик авж олган, аҳоли тоза ичимлик суви таъминотидаги муаммолардан азият чекарди.

Туман ҳокими Ҳабибулла Ҳожиматов ва қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуназар Деҳқонов кенгашиб, маҳалладаги вазиятни Юнусжон ака изга солади, деган тўхтамга келишди ва маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллигига унинг номзодини қўйишди. Бу номзод маҳалла аҳлига ҳам маъқул келди.

Маҳалладошлар Юсуфжон акани оқсоқолликка сайлаб янглишмаганликларига тез орада ишонч ҳосил қилдилар. У бирор ишга жазм этса, бировлардан мурувват кутишдан аввал, ўз чўнтагини кавлаб кўради. Ҳаж зиёратига боришни ният қилиб жамғарган 1 миллион 600 минг сўм пулини маҳаллага ичимлик суви тармоғини ўтказиш учун сарфлади. Бу эзгу ишга Мавлонбой Жабборов ҳам мададкор бўлди. Наманган шаҳридан беш нафар уста таклиф этилиб, 33 кун мобайнида қудуқ тозаланиб, насос таъмирланди. Ниҳоят, 500 дан зиёд хонадонлардаги жўмраклардан зилол сув оқа бошлади.

Юнусжон ака энди маҳалла посбони, милиция таянч пунктининг профилактика нозирлари билан маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш борасида иш бошлади. Жиноятга мойил, шубҳали шахслар доимий назорат остига олиниб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Натижада ярим йилга бормай, маҳаллада аҳвол ўнгланди, нохуш ҳолатларга чек қўйилди.

Бураматутда туну кун очиқ турадиган дарвоза битта бўлса, у ҳам оқсоқолники. Бундан ташқари, Юсуфжон ака фуқаролар йиғини биносига кириб олиб, "Олдимга ким келаркин?" деб ўтиришдек расмиятчиликни асло ёқтирмайди. Аксинча, ҳар куни эрталаб маҳаллани айланади, одамларнинг муаммо ва ташвишларини ўрганади.

Оқсоқол маҳалласининг ободончилиги, фуқароларнинг фаровон турмуши, ҳатто уларнинг саломатлигига ҳам бефарқ эмас. Кунлардан бирида оқсоқол Жакбарали Акбаровни чақиртирди ва ундан қўшниси Давлатжон Турғунованинг соғлиғи ҳақида сўради.

Давлатжон ички бўқоқ ва камқонлик касалига чалинган, II гуруҳ ногирони. 2005 йилда оқсоқол ўз ҳисобидан уни даволатган эди. Бемор касалхонада эканлигида унинг 8 ёшли қизини раснинг турмуш ўртоғи Буойша опа ўз қарамоғига олди. Шундан буён, оқсоқол Давлатжоннинг ҳолидан хабар олиб туришни қўни-қўшнилар зиммасига топширган.

Саховатпеша оқсоқол эҳтиёжманд маҳалладошларига имкон қадар ёрдам беради. Хўш, ҳаммага саховат кўрсатиш учун Юсуфжон ака қаердан маблағ топади, деган фикр хаёлингиздан ўтиши табиий.

Ҳа, оқсоқолнинг омбори тўла дон. 2004 йилда "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги тугатилгач, Юнусжон ака тендер танловида ғолиб чиқиб, 13,5 гектар ерни фойдаланишга олган эди. Ана шу ерда ташкил этилган "Юнусжон ўғли Адҳамжон" фермер хўжалигида оқсоқолнинг фарзандлари, оила аъзоларидан ташқари, яна 13 та оила иш билан банд. Ўтган йилда хўжалик шартнома режасини 5 тонна ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди. Қарабсизки, муҳтожларга мурувват кўрсатиш учун моддий манба тайёр.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

САРДОР ПИЛЛАКОРЛАРГА ҲАМКОР

Маҳалла-кўйчилик кўпчилик билан деганларидек, маҳаллада барчага муносиб юмуш топилади. Албатта, ҳар бир юмушнинг бошида йиғин ходимлари туради. Ҳар бир ходимнинг ўз вазифаси бўлса-да, умумманфаатга дахлдор ишда ҳеч бир ходим "Бу менинг ишим эмаску", деган гапни тилига олмайди, хаёлига ҳам келтирмайди. Кунданкунга чирой очиб, фаровон бўлаётган маҳаллаларимизнинг обод қиёфаси маҳалла тизими ходимларининг ана шундай фидойилиги меваси ҳамдир.



Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги Дўстлик маҳалласи посбонлари сардори Қаҳрамон Исломов айни кунларда ўз зиммасидаги кундалик юмушлардан ортиб, маҳалладаги пиллакорларга ҳам кўмак бермоқда.

— Пилла юртимиз бойлиги, қолаверса, маҳалладошларимиз учун даромад манбаи ҳамдир. Бугунги тиғиз паллада уларга ёрдам бериш зарур, — дейди у.

Р.ГАЛИЕВ
олган сурат.

Сурхондарё вилояти

Меҳнати рағбатга муносиб раиса

Шўрчи туманида давлат ва жамоат ишларида фаол, ташаббускор хотин-қизлар жуда кўп. Райҳон опа Бўтаеванинг фаолияти бунга яққол мисол.

— Райҳон опа кўп йиллардан буён одамларнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик, — дейди туман ҳокими муовини, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Ҳакимова. — У ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ёшларга таълим берган кезлариданоқ ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари меҳрини қозонган. "Гулистон" болалар боғчасига мудира этиб тайинлангач, у ерда кенг кўламли ишларни амалга оширди, ҳатто боғчани қайта қурдирди, десам хато бўлмайди.

Райҳон опа Усмон Дониёров номли собиқ жамоа хўжалигида маданий-маърифий ишларда масъул ходим сифатида ишлаганида ҳам ҳудуд аҳолисининг маданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Кўпдан бери фаолияти тўхтаб қолган клубнинг иши жонланди, бадиий ҳаваскорлик гуруҳи ташкил топди. Концертлар ташкил этилиб, кинофильмлар намойиш қилинди. Қишлоқ кутубхоналари ишида тартиб ўрнатилиб, ҳатто дала шийпонларига ҳам газеталар кела бошлади.

Райҳон опа Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғинига раисликка сайлангач, унинг ташаббуси билан амалга оширилган ишлар салмоғини ҳозирда қишлоқ ҳудудида ташкил этилган 90 дан ортиқ фермер хўжаликлари, бешта кичик корхона, ўнта савдо нуқтаси, ўттиздан ортиқ тижорат дўконлари, битта дорихона, йигирмата тегирмон, учта пахта тозалаш цехи фаолияти мисолида кўриш мумкин. Замонавий типда қурилган учта ҳакимлик пункти фаолиятидан барча мамнун. Ҳудудда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилгани йўқ. Қишлоқ аҳолиси юз фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланган. Оққамар, Жойилма, Яккабоғ, Серғайрат, Сожирон бобо номли маҳаллалар аҳолиси эса табиий газдан баҳраманд. Яна иккита маҳаллага табиий газ қувурлари тортиляпти. Ўтган йили қишлоқдаги ички кўчаларнинг ўн ярим километри созланди. Ҳашар йўли билан қишлоқ йиғинининг ўн хонадан иборат идора биноси тўлиқ таъмирланди.

Райҳон опанинг оиласи тумандаги ибратли оилалардан бири. Етти нафар ўғил-қиз яхши тарбия топиб, жамиятизнинг муносиб кишилари бўлиб етишган. Юрт хизматига фидойи бўлган бу аёлнинг аҳоли фаровонлиги, жамиятимиз тараққиёти йўлидаги хизматлари юксак даражада қадрланиб, у "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

ҲОФИЗ қандай раис бўлди?

илгари унга яхши ҳофиз дея таъриф беришарди, энди уни яхши раис деб аташади

Андижон туманида Найман қишлоғи бор. Ҳазил-мутойиба, аския найманликларнинг жонидили, гап пайрови келганда ҳеч кимни аяб ўтиришмайди. Лекин жиддий баҳс-гурунгларда айтмоқчи бўлган гапларини мулойимлик билан гапиради, оқсоқоллари эса соқолларини силаб туриб мақсадга кўчади.

Найманликларнинг яна бир хислати — спортсеварлиги. Айниқса, футбол, фарғонача кураш, кикбоксинг, шахмат деганда... ёшу қариси ашаддий ишқибоз, кези келганда эса моҳир спортчи ҳам!

Бир куни Найман қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мадаминжон Холдоров ҳузурига қишлоқ йиғини ўрамидаги Янгиобод маҳалласилик бир гуруҳ оқсоқоллар шовқин-сурон билан аския айтишиб кириб келишди. Идорада бундай воқеа ҳали кузатилмаган. Мадаминжон Холдоров ҳайратланди, сўнг ҳамма билан бирма-бир сўрашиб, сўради:

— Хўш отахонлар! Келинглар, хизмат? — деди у жилмайиб.

— Хизмат шуки, — деди оқсоқолларнинг бири соқолини силаб. — Маҳалламизда бир йигит бор, хў ўша Акромхўжа деганимизнинг ўғли, ор-номусли, ҳақиқатгўй, тўғрисўз. Шу йигитни маҳалламизга раис қилиб берсангиз қандоқ бўларкин?

Мадаминжон мийиғида кулди. Илгариги раис саломатлиги ёмонлашгани туфайли ишдан озод этилган, маҳаллада йиғин раиси ўрни бўш эди.

— Хўп, — деди раис қувноқлик билан, — сайлов қиламиз, номзодингиз ғолиб чиқса раис-да...

Ўша пайтларда маҳаллаларда сайловлар ўтаётган палла эди. Сайловда Аъзамжон Азизхўжаев номзодини янгиободликлар бир овоздан маъқуллашди ва у маҳалла раиси этиб сайланди.

Янги раснинг асл касби — мусиқа муаллими бўлиб, у яхши қўшиқчи сифатида "Аъзамжон ҳофиз" дея ном чиқарганди. Қўшиқчилиги боис эл-юртга кўп аралашган бўлса ҳам, маҳалла иши билимдони эмасди, албатта. Шу боисдан янги раис дастлаб ишни нимадан бошлашни билмай кўп бош қотирди.

Бир куни идорага ёш эр-хотин жанжаллашиб кириб келишди. Ҳар иккиси арзимаган баҳоналар билан бир-бирини айбларди. Эр вақтинча ишсиз бўлиб, жанжалнинг асосий турткиси шу экан. Раис аввал уларнинг можаросини тинглади, эр-хотин жим бўлгач, уларга узоқ тикилиб қолди. Нима десин буларга? Иккови ҳам ёниб турибди, ҳозир панд-насиҳат кор қиларми-кан? Аслида раис бу оилани яхши билар, ахир уларнинг никоҳ тўйларида ўзи ашула айтган, уларга бахт тилаган эди.

— Қонуний никоҳдан ўтгансизлар-а?

— Ҳа!

— Шарий никоҳ ҳам ўқилган-а?

— Ҳа?..

— Хўш, унда нимага муросаю мадора қилмайсизлар? Сизларга давлат қонунлари, динимизнинг талаблари, ота-боболармизнинг расм-русмлари ўйиннчоқ бўлдими? Болаларни дунёга келтириб қўйиб, уларга энди тирик етимликни раво кўряпсизларми? Қўйди-чиқди бўлиб маҳалла-кўй ўртасида ўзларингни, эл-юрт ўртасида маҳалламизни иснодга қўйишми ниятларинг? Уят-эй! Қани, ҳозироқ жанжални бас қилиб, уйингизга борасиз. Эрта-индин иш масаласида менга учранг, маслаҳатлашиб бир иложини топамиз.

Аъзамжон Азизхўжаев (ўнгда) маҳалланинг ёш футбол жамоаси билан

Раис эслаб кўрса, маҳаллада ажралиш ҳаракатига тушиб қолган эр-хотинлар фақат булар эмас, санаб чиқса, еттита экан. Ҳатто келинлик сепини ота уйига ташиб кетган келинлар ҳам бор. "Йўқ, — деди ўзига ўзи Аъзам ҳофиз, — бунақаси кетмайди!" У қаердандир юк машинасини топди. Отасининг уйида аразлаб ўтирган келинларнинг юкларини ўзи бош бўлиб машинага юклатди. Ҳаммасини бирин-кетин келин бўлиб тушган хонадонига келтириб туширди. Раснинг бу ишидан ҳамма ҳайрон бўлди-ю, лекин раис қайтариб келган келинларнинг рўзғори тинчиб кетганини кўриб ҳамда унга тан берди.

Бу янги раис фаолиятининг бошланиши эди холос. Ҳозирга қадар айнан раснинг ташаббуси билан маҳаллада 40 дан ортиқ янги ишчи ўрни ташкил этилди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, чеварлик цехи, болалар учун компьютер хонаси очилди.

Янгиобод маҳалласи Қорадарё ёқасида жойлашгани учун у ерда балиқчилик, ўрдак, ғоз ва товуқ фермаларини ташкил қилиш иши жуда ўнғай кўчди. Эҳтиёжманд оилаларни моддий-маънавий қувватлаш борасида тадбирлар қўлланди. Бу тадбирлар анъанага айланиб қолди. Яқинда шундай оилаларнинг тўрттасига ҳомийлар ёрдами билан биттадан қорамол ҳам берилди.

Маҳаллада спортни ривожлантириш ишлари ҳам раснинг диққат-эътиборида. Натижада янгиободлик Ўткирбек Иброҳимов миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, Элдор Патиддинов кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонларга эришди. Маҳалла футбол жамоаси эса вилоятда биринчи бўлди.

Маҳалла юмушлари орасида Аъзамжон ҳофизлигини ҳам унутгани йўқ. Фақат энди у куйлайдиган қўшиқлар мавзуси ўзгарган: авваллари севги-муҳаббатни кўпроқ тараннум этган бўлса, энди Ватан, она, меҳр-оқибат ҳақида куйлайди. Айниқса, Чустий ғазали билан айтиладиган "Бугунги хурсандчиликда кечаги ғамдан гапирманглар" деган ашулани куйлаганда, Янгиободнинг каттаю кичиги сел бўлиб тинглайди...

Мажиддин САТТОРОВ

Андижон вилояти

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолиятига доир ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги ПҚ-486-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллатимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқатли қилиб тарбиялаш, ёшларнинг жамоат ишларида фаоллигини ошириш, давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитлар ва улардан унумли фойдалана олиш, уларнинг дунёқараши ва фикрлаш даражасини кенгайтириш, ёшларнинг ақл заковатини намоён этишига кўмаклашиш, шунингдек, маҳаллаларда истиқомат қиладиган уюшмаган ёшлар билан маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида, диний экстремистик оқимларга мансуб шахслар томонидан уларнинг дунёқараши, онгига салбий таъсир кўрсатишларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, жисмонан соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш ишларининг олиб борилишида фуқаролар йиғинларига Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан яқиндан ёрдам кўрсатиш, фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

I. Умумий қоидалар

1. Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси (бундан кейин "Ёшлар комиссияси" деб юритилади) Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, ёшлар қатламларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шунингдек, миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий, ижтимоий, экологик ишларни олиб бориш мақсадида тузилади.

2. Ёшлар комиссиясига комиссия раиси раҳбарлик қилади.

3. Ёшлар комиссияси сони ва таркиби фуқаролар йиғинларида истиқомат қиладиган ёшлар сонидан келиб чиқиб маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши томонидан белгиланади. Комиссия таркибига фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қиладиган 30 ёшгача бўлган ўқувчи, талаба, ишчи-хизматчи, маданият ва спорт ҳамда барча соҳада фаолият юритадиган ёшлар, хусусий тарбиркор, фермер ва бошқа ёшлар киритилади.

4. Комиссия маҳалла ҳудудида истиқомат қиладиган етакчи, фаол, иқтидорли ва намунали ёшлар билан бир қаторда носоғлом муҳит юзага келган ноқобил, нотинч оилалар фарзандлари, диний-экстремистик оқимларга мойиллиги бор ёшлар ҳамда ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган йигит-қизлар билан тарбиявий тушунтириш ишларини олиб боради.

5. Ёшлар комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳрирдаги Низом ва Дастурларига, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, маҳаллий ҳокимият органларининг қарор ва фармойишларига амал қилади.

II. Ёшлар билан ишлаш комиссияларининг вазифалари

6. Маҳаллаларда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини, маънавий-маърифий билим доирасини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш.

7. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, ёшлар қатламларининг талаб ва эҳтиёжларини, миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.

8. Маҳаллаларда спортни оммалаштириш учун зарур шароит яратишда бевосита иштирок этиш, бунёд этилган спорт иншоотлари, болалар спорт майдончаларидан самарали фойдаланиш, ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш мақсадида жисмоний тарбия, спортнинг оммавий ва миллий турлари бўйича мусобақа ва турнирлар ўтказиш.

9. Ёшларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, банд бўлмаган ёшлар қатламини ижобий меҳнат фаолиятига жалб этиш, Ёшлар ижтимоий хизматлари марказларида ўқитиб, касб-ҳунарга ўқитишда яқиндан ёрдам кўрсатиш.

10. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар, имконияти чекланган ногирон ёшларга қобилиятларига яраша ҳунар ўргатиш, иш билан таъминлашда кўмаклашиш.

11. Ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик кўринишларининг олдини олиш ва турли носоғлом диний оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлар билан якка тартибда ишлаш, индивидуал суҳбатлар ўтказишда маҳаллада истиқомат қилувчи кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга салоҳиятли инсонлар билан ҳамкорлик фаолиятини олиб бориш.

12. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида маҳалла ўсмир ёшлари ўртасида танловлар, мусобақалар, она Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини ёшлар онгига сингдириш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш, шунингдек, ҳудудлардаги ҳарбий қисмлар раҳбарияти билан келишилган ҳолда ёшларнинг экскурсияларини ташкил этиш.

13. Ёшларнинг тиббий маданият ва билимини ошириш, уларни келажак ҳаётга тайёрлаш мақсадида мутахассислар ва шифокорлар иштирокида турли давра суҳбатлари ва тушунтириш ишларини олиб бориш.

14. Ҳудудда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ёшларнинг иш, ўқиш, яшаш тарзи ва бошқа ёшлар ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда, йиғилишларда иштирок этиб, ёшлар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ичкиликбозлик, ОИТС ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг асосий сабабларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар бериш.

15. Фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ноқобил ва нотинч оилаларда тарбияланаётган ёшларни ўрганиш, уларнинг ўқишдан орқада қолмасликларига ёрдам бериш мақсадида маҳалладаги фаол ёшларни бириктириб, жамоат ишларига жалб этиш.

16. Носоғлом муҳит юзага келган ёш оилаларни аниқлаб, зарур ҳолларда уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилиш чораларини кўриш орқали кенг жамоатчилик таъсирини кучайтириш.

17. Милиция ҳисобида турган, илгари тартиббузарлик содир этган, оилада ва жамоада мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўйувчи ёшлар билан профилактик иш олиб боришда иштирок этиш ва бу борада маҳалла профилактика нозири, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси билан ҳамкорлик қилиш ҳамда зарур ҳолларда уларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини ўз мажлисларида муҳокама қилиш.

18. Маҳалладаги кам таъминланган ёш оила фарзандларига ҳунар ўргатиш, уларни маҳаллада истиқомат қиладиган ҳунармандларга "Устоз-шогирд" анъанаси бўйича шогирдликка жалб этиш, касаначилик билан шуғулланиш бўйича имкониятлар яратишга кўмаклашиш.

19. Миллий қадриятларимизга зид ҳолда одоб-ахлоқ доирасида ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйётган ёшларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни кўришда амалий ёрдам кўрсатиш.

20. "Оила — маҳалла — мактаб" концепцияси тамойилларини ҳаётга жорий қилишда фуқаролар йиғини кенгашига доимий ёрдам кўрсатиб бориш.

21. Маҳалладаги намунавий ёшлар, уларнинг иш ва ўқишдаги фаолияти, маҳалланинг ижтимоий ҳаётида фаоллик билан иштирок этишини оммалаштиришга оид масалалар тўғрисида маҳаллий матбуотда мақолалар билан ва телевидениеда туркум кўрсатувларда иштирок этиш.

III. Ёшлар билан ишлаш комиссияларининг мажбуриятлари

22. Ёшлар комиссияси фаолиятини фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқлаб берилган иш режага биноан олиб боради.

23. Комиссия ўз фаолияти давомида тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳудуддаги ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

24. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсир кучи ҳамда обрўсини оширишда ўз ҳиссасини қўшади.

25. Ёшлар комиссияси аъзолари иш фаолияти жараёнида маҳалла ёшлари билан адолат ва одоб-ахлоқ дорасида иш олиб боради.

26. Ёшлар комиссияси маҳалла ёшларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилишининг олдини олишда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

27. Ёшлар комиссияси ўз ишларини ҳар ой якунига кўра умумлаштириб, бу тўғрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмасига ахборот бериб боради.

IV. Ёшлар билан ишлаш комиссияларининг ҳуқуқлари

28. Фуқаролар йиғинлари кенгашлари йиғинларида иштирок этади ҳамда ёшлар фаолиятини такомиллаштиришга доир ўз таклифларини киритади.

29. Маҳалла жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатган ёшларни рағбатлантириш учун фуқаролар йиғинлари кенгашларига номзодларни тавсия этади.

30. Ёшлар комиссияси фуқаролар йиғини ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бошланғич ташкилотлари етакчилари билан ёшлар масаласига оида тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилади.

Тарих зарвараклари

Ислом динида ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ал-Бухорий "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" асарида шундай ҳадис келтиради: "Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в): Қайси бир мусулмон бирор дарахт ёхуд бирор экин экса-ю, унинг ҳосилидан инсон, қуш ёки ҳайвон еса, бунинг учун унга ажру савоб ато этилур," — деб марҳамат қилдилар".

ЮРТНИ ОБОД ЭТСАНГ...

рағбати, ажру савоби осмонча бўлур

Ўрта Осиёда марказлашган давлатларнинг вужудга келиши, ҳукмдорларнинг ободончилик ва бунёдкорлик ишларига бош бўлиши натижасида табиий билимлар ривожланди, шаҳарлар обод бўлди. Шаҳарларда кўча қурилиши ва ободонлигига катта аҳамият берила бошланди. Кўчалар йўналиши одатда шаҳар дарвозаларидан бошланиб, марказга олиб борадиган асосий ва у билан туташган ён кўчалардан иборат бўлган. Самарқандда 10 та марказий кўча бўлиб, уларнинг тўрттаси шаҳар маркази — Чорсуга олиб борган. Араб сайёҳи ибн Ҳавқал (X аср)нинг ёзишича, марказий кўчаларга тош ётқизилган, арава билан бемалол юриш мумкин бўлган. Масалан, Самарқанддаги Қусам ибн Аббос зиёратгоҳидан Иброҳим Тамғоч Буғрохон мадрасасигача бўлган катта кўча шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмидаги марказий кўча ҳисобланиб, унга бир текис қилиб тош ётқизилган. Кўчаларнинг бўйида савдо расталари, дўконлар, ҳунармандчилик устахоналари жойлашган. Қорахонийлар даврида, хусусан, Иброҳим Тамғоч хон ҳукмронлик қилган йилларда кўчаларни озода сақлаш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган, унинг бажарилиши устидан масъул амалдор назорат қилиб турган. Йирик шаҳарлардаги "Мухтасиб девони" муассасаси ходимлари кўчаларга чиқинди ташланмаслиги, сирпанчиқ бўлмаслигини, боғларнинг қаровсиз қолмаслигини назорат қилган, қурилишларнинг ўрнини белгилаган. Шунингдек, бозорларда савдонинг шариат асосида олиб борилишини, тош-тарозининг тўғрилигини таъминлаш, дўкон ва устахоналардаги тозалик ва интизомни сақлаш ҳам уларнинг зиммасида бўлган.

Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, ўрта асрларда бозор майдонларига тош ётқизиш, ёпиқ бозор — тимлар барпо этиш, деворларини бўяш, оҳаклаш, расталарни маҳсулот турларига қараб жойлаштириш русум бўлган. Ўрта аср тарихчилари, шунингдек, араб географлари ўз асарларида Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларида ёпиқ бозорлар, яъни тимларнинг ниҳоятда чиройли кўринишда қурилганини баён этадилар. Ипак ва бошқа қимматбаҳо матолар асосан бозор марказларида сотилган.

Араб сайёҳлари Ал-Истахрий ва Ал-Муқаддасийлар Марв бозорини, ибн Ҳавқал Хоразм пойтахти Кат бозорини энг обод ва сариштa бозор сифатида тилга олади. Бозорларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида новвойхона, темирчилик ва бошқа иш жараёнида оловдан фойдаланувчи устахоналар мато ҳамда атторлик буюмлари билан савдо қилувчи расталардан узоқроққа жойлаштирилган.

Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар ҳам ободончилик ишларига алоҳида эътибор беришган. "Темур тузуклари"да айтилишича, соҳибқирон қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирган кишиларни рағбатлантириб, турли имтиёзлар жорий қилган. Амир Темур Самарқандда 12 та боғ барпо эттирган.

Алишер Навоийнинг асарларида ҳам табиатни севиш ва ардоқлаш туйғулари юксак даражада тараннум этилган. Шоир табиатга ёки бирон жонзотга хиёнат қилишни дўстга, Аллоҳга хиёнат қилиш билан баробар деб билади. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида шундай ёзади: "Деҳқон агар тўғрилик билан дон сочса, Ҳақ бирига юз эшигини очади, сочган донаси кўкаргунча, ўриб хирмон қилиб, ҳосилни кўтаргунча, қурту қуш ундан бахраманд бўлади, дашт вахшийлари у билан шодланади. Каптарлар ундан маст бўлади, тўрғайлар ундан севинчга тўлади".

Атроф-муҳит ва ободончилик хонликлар даврида ҳам давлат аҳамиятига молик масалалардан бири бўлганлиги манбаларда келтирилган. Демак, табиат ва атроф-муҳитга оқилона муносабат, ободончилик, бунёдкорлик ишларига хайрихоҳлик халқимизга ажододлардан мерос сифатида ўтиб келаётган маънавий қадриятлардандир.

Аброр ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Қорақалпоғистон Республикаси

АХАЛТАКА ТУЛПОРЛАРИ

Амирободда уларнинг сони 15 тага етди

Эллиққалъа туманидаги Амиробод овулида жойлашган "Ўрнак асл чорва" фермер хўжалигида дунёга машҳур Ахалтака зотли тулпорлар парвариш қилинади. Уларни парваришлаш, айниқса, сонини кўпайтириш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараён. Шундай бўлса-да, ўтган беш йил мобайнида хўжалик аъзолари кўзланган мақсадга эришдилар. Бундан ташқари, хўжаликда 250 бош қорамол ҳам боқилади. Улардан олинаётган гўшт ва сут маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда олинаётган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп.

"Ўрнак асл чорва" кўптармоқли хўжалик бўлгани учун бу ерда чорвачилик билан бирга деҳқончилик ҳам йўлга қўйилган. Айни пайтда кузда экилган буғдойдан 60 тонна қайроқи дон олиш ишлари жадал бормоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

Қадимда шикор жойи ҳозир ОРОМГОҲ

Тагалакдаги аждодлардан мерос қадимий боғ замонавий оромгоҳга айланади

Аввало, Қўшкўпир тумани Обод қишлоғидаги ушбу маҳалланинг нима учун Тагалак деб аталаши хусусида тўхталсак: хўш, бу сўзнинг маъноси нима?

Маҳалла ҳудудида жойлашган Ойбек номли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Йўлдош Ашуров Тагалак тарихи хусусида шундай дейди:

— Маҳалламизнинг бир томони Қорақум саҳросига туташиб кетган. Бу ерлар қадимдан ов қилишга жуда қулай бўлиб, ўрдак, қирғовул, сулгун, қуён каби парранда ва майда ҳайвонлар кўп учрайди. Шу боис қадимда Тагалак атрофи Хива хонлари ов уюштирадиган жой қилиб белгилаган. Ўша даврларда қурилган махсус дам олиш бинолари, чайлаларнинг айримлари ҳанузгача сақланиб қолган. "Тагалак" сўзи бирон нарсанинг асоси, негизи деган маънони билдиради. Демак, маҳалла ов қилинадиган ҳудуд марказида жойлашган.

Тагалак маҳалласи ўтмишда гўзал табиати, озода-орасталиги, ажойиб боғ-роғлари билан қанчалик машҳур бўлса, айни кунларда ҳам бу довруғини йўқотган эмас.

Тагалакнинг айни кундаги замонавий қиёфасига файз киритишда шу ерлик тадбиркорлар, эл-юрт фаровонлиги йўлида ташаббускор инсонларнинг хизмати катта бўлмоқда. Масалан, тагалаклик Раҳимбой Матёқубов "Нуразиз бобо" номли қабристонни тартибга келтирди, масжид қурилишида бош-қош бўлди. Комилжон Мадраҳимов эса йўлларни текислаб, асфальт ётқизишда, қудуқлар қазиш ишларини ташкил этишда саховат кўрсатди.

— Обод жойнинг довруғи тез таралар экан, — дейди фуқаролар йиғини раиси Икромбой Кенжаев. — Одамбой Сафоев, Нуриддин Яхшимов, Абдулла Отабоев, Матрасул Бекжонов, Шоназар Эгамов каби фермер, ишбилармон, тадбиркор маҳалладошларимиз ҳиммати билан гузар бунёд этмоқдамиз. Хонлар давридан қолган қадимий боғни қайта таъмирлаб, катта, гўзал оромгоҳга айлантирмоқчимиз.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ХАЛҚ ИЖОДИ — ҚАДРИЯТ

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатларини, адабиёти ва фольклори ҳақидаги маълумотларни катта қизиқиш билан тилга олмоқда.

Хусусан, инглиз мутахассисларининг фикрича, энг қадимги маълумотларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган фольклор намуналари ўзбек халқ оғзаки ижодиёти тарихидир. Уларнинг яратувчиси ҳам, асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтказиб, мазмунан бойитиб келаётган ҳам халқимиздир.

Халқ оғзаки ижодиёти достон, эртак, қўшиқ, асотир, нақллар, ривоят, афсона, мақол, матал, ҳикматли ва қайроқи сўзлар, топишмоқ, тўй ва аза қўшиқлари, лапар, халқ ўйинлари, мусиқа ва рақс, ўлан ва термалар, айтишув, ҳаттоки, олқиш ва қарғишларни ҳам ўз ичига олади. Халқ оғзаки ижоди жанрларининг бу қадар кўп ва хилма-хиллиги ўзбек халқининг маънавияти юксак, дунёқараши кенг, тафаккур тарзи бойлигидан далолат беради.

Президентимиз Ислом Каримов "Халқ — ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сўнмас хотира ва буюк туйғулари билан яшаб келаётган қудратли куч. Ёлғонга, алдовга дуч келган пайтда унинг асрий қадриятлари, доимо ўйғоқ виждони тилга киради, ноҳақликка, қабиҳликка қарши курашга даъват этади", деган эди.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди меҳнат ва меҳнаткашлар, баҳодирлар ҳақида, узоқни яқин, мушкулни осон қилувчилар, ҳаётини эзгуликка, эл-юрт ободлиги йўлида бахшида этганлар тўғрисида, ёвузлик тимсоли бўлмиш дев, аждарҳо ва ялмоғиз кампирларни даф этувчи алп йигитлар, сувда чўкмас, ўтда ёнмас қаҳрамонлар ҳақида тараннум этади. Оғзаки ижоднинг ҳар қандай тури замирида ижодкор халқнинг муайян мақсад ва ниятлари, орзу-интилишлари яширинган ётади. Улар халқнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, кишиларни аҳиллик, дўст-биродарлик ва меҳр-оқибатга ўргатган. Шунингдек, халқ оғзаки ижодиёти одамларнинг табиат билан алоқадорлигини моҳиятан бадиий ифодалаб, фалсафий-ҳуқуқий билимлари, олам ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини ҳам ўзида акс эттиради.

Б.НАРЗУЛЛАЕВА,
З.МУРОДОВА,
ТДПУ магистрлари.

"Кафолат" давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Бектемир тумани бўлими ходимлари ташаббуси билан мана бир неча йилдирки, пойтахтимиз ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳомийлар ёрдамида суғурта қилинмоқда.

Тошкент шаҳри



Жорий йилда бўлим томонидан пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 30-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари 12 миллион 800 минг сўмга суғурта қилинди. Бу хайрли ишга Бектемир тумани ҳудудидаги бир қатор корхона ва ташкилотлар жалб қилинди.

СУРАТЛАРДА: «Кафолат» ДАСК Бектемир тумани бўлими ходими Заршед Каримов Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ҳуқуқий саводхонлик

Фарғона вилояти

ОҚСОҚОЛЛАР ВА ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия бошқармалари ҳамкорлигида вилоятдаги мавжуд 19 та шаҳар ва туманлардаги фуқаролар йиғинлари раислари, котиблари, моддий ёрдам ва нафақаларни тайинловчи комиссиялар аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди.

Ўқув-семинарларда вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи Ўктамжон Абдурасулов, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Файзулла Қосимов, вилоят Молия бошқармаси мудири Юлдузхон Маҳмудова, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими қошидаги "Водий зиёси" ўқув маркази директори Абдурашид Раҳматжонов ва бошқалар фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини тушунтириш, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида маърузалар қилишди.

Ўқув-семинар машғулотларини шаҳар ва туманлар ҳокимлари бошқарди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

ИСЛОҲОТДАН ЖАМИЯТ ҲАМ БОХАБАР

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида имзоланган меморандум ижроси бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида вилоят маҳаллаларида, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказилмоқда.

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи йиғилишларида муҳокама этилиб, маъқулланаётган қонунлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қонунчилик механизмининг тўлиқ ишлашини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажармоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими раиси ўринбосари Амриддин Муҳиддинов. — Ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда жойларда ўтказаётган учрашувларимиздан мақсад — аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, қабул қилинаётган янги қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида тарғиб этишдан иборат. Бунинг учун аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаоллари ва оқсоқоллар тизим фаолиятига оид қонун ҳужжатларидан хабардор бўлиши ҳамда уларнинг раҳбарлик малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасидаги тадбирлардан бири Нуробод туманидаги Аработа, Калта, Сепки ва Оғрон маҳаллаларини ўз ичига олган Тим қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

— "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ходимлари ва ҳуқуқ-тартибот органи вакилларининг маҳаллаларимизга келиб учрашувлар ўтказиши биз — маҳалла тизими ходимлари фаолиятига кўрсатилаётган катта эътибор намунаси бўлди, — дейди Тим қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Нурмурод Маҳмудов. — Қолаверса, ўз ҳуқуқ ва бурчларимиз ҳамда юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлардан атрофлича бохабар бўлдик.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Истеъмолчига эслатма

Сирдарё вилояти

ЙОДСИЗМИ, ДЕМАК, СИФАТСИЗ!

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонунига мувофиқ истеъмол бозорини йодланган ош тузи билан таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Сирдарё вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси Гулистон, Янгиер, Сирдарё ва Бахт шаҳарларидаги савдо шохобчаларида ҳамда бозорларда сотилаётган ош тузларини текширувдан ўтказди. Бирлашма раиси Хайринисо Назарованинг айтишича, тадбир натижасида ушбу субъектларда сотилаётган ош тузининг муайян қисми етарли даражада йодланмагани аниқланган.

Ошнинг таъмини созлаганда йодланган туз солишни унутманг!

Жумладан, Гулистон шаҳар деҳқон бозорида жойлашган "Сайрам-Гулистон ҳамкор" хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида сотилаётган ош тузи умуман йодланмагани маълум бўлди. Ушбу бозордаги Шуҳрат Мадалиевга қарашли улгуржи савдо дўконидаги беш тоннага яқин ош тузининг эса мувофиқлик сертификати йўқ экан. Сирдарё шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги савдо дўконларида сотувга қўйилган ош тузининг сифати ҳам талабга тўла жавоб бермаслиги боис савдодан олинди.

Бирлашма истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтирмоқда.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Фуқароларнинг эътиқод эркинлиги бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Юртимизда турли миллат ва элатлар қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамжиҳатликда яшамоқда.

Ислом оламида маълуму машҳур азиз авлиёларимиз, алломаларимизнинг зиёратгоҳлари, қадамжолари мустақиллик йилларида обод этилиб, тасаввуф илми намояндаларининг хотираси ва асарлари юксак даражада қадрланиб келинмоқда. Муҳташам масжидлар қурилиб, муқаддас динимиздаги инсонпарварлик ғояларининг мазмун-моҳиятини кексаю ёш онгига етказиш учун барча шароитлар муҳайё. Аллоҳнинг муқаддас каломи қалбларимизга кириб келиши йўлида ҳеч бир тўсиқ йўқки, бу албатта, истиқлол берган имкон самарасидир.

"САБОҚ" СИРИ ФОШ БЎЛДИ

Нақотки, ота-оналар айрим саводсиз кимсаларнинг диний сабоқ никоби остида фарзандлари онги шуурини заҳарлашларига бефарқ бўлсалар? Ўша кимса ихтиёрига фарзандини ишониб топшираётганлар нега сабоқ берувчининг салоҳиятини, тегишли ҳужжатларини суриштирмайдилар?

Фарғона вилояти

Бироқ, махсус диний билимга эга бўлмай туриб мударрислик даъвосида юрган кимсалар ҳам борки, улар муқаддас китоблар, оятларни бузиб талқин этиб, имонга дарз етказувчи "сабоқ"лар беришдан тап тортишмаяпти. Уларнинг асл мақсади замондошларимизни ҳидоят йўлига бошлаш эмас, балки балои нафс кўйида моддий манфаат кўришдир. Энг даҳшатлиси, бу кимсалар "сабоқ"лари таъсирида мусулмонлар ўртасида ўзга динга эътиқод қилувчиларга нисбатан муросасизлик, ғаразли кайфият уйғотиб, жамиятимиз ва фуқароларимиз тинчлиги, ҳамжиҳатлигига путур етказишни кўзлаётганлари, турли диний экстремистик оқимлар ғоясини тарғиб этиш орқали ёшларимиз онгини заҳарлаётганидир. Ваҳоланки, бундай бузғунчилик ҳам шариат, ҳам жамият, ҳам давлатимиз қонунларига зид. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-моддасида махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш ноқонуний фаолиятлиги қайд этилади, худди шундай ҳолларда диний таълимотдан сабоқ берганлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима жазоси кўзда тутилган.

Охунбобоев туманида истиқомат қилувчи 59 ёшли Турдали Йўлдошев ўтган йили август ойида Марғилон шаҳри Ҳожилар кўчасидаги хонадонлардан бирида ўн олти нафар фуқарога норасмий равишда диний сабоқ бераётгани аниқланди. Суриштирув давомида Т.Йўлдошев бу хатти-ҳаракати қонунга хилофлигини билмагани, қилмишидан пушаймонлигини баён қилади. Оилавий аҳволи эътиборга олиниб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима жазоси қўлланди.

Ўтган йил давомида Т.Йўлдошев каби махсус билим ва рухсатномага эга бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан "мударрислик" қилиб, вояга етмаган болаларга, ҳатто катта ёшдаги фуқароларга "диний таълим" беришга уринган кимсалар аниқланиб, МЖТКнинг юқоридаги моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилган 33 нафар қонунбузар ўз қилмишларидан пушаймон бўлишди. Буни қарангки, Т.Йўлдошев сиртида пушаймонлик қиёфасига кирган бўлса-да, суднинг инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзига нисбатан енгил жазо чорасини қўллаганидан тескари хулоса чиқарган экан шекилли, "мударрислик" даъвосидан воз кечмади. 2007 йил 20 январь куни Янги Марғилон шаҳарчасининг Янги чекида яшовчи таниши А.Абдуллаевнинг уйига гўё иситгич сўрагани боргандай бўлиб, хонадон соҳиби ва унинг уч нафар синфдошларига диний "сабоқ" беришни таклиф қилди. Бу сафар у ўз хатти-ҳаракати қонунга зидлигини била туриб, "енг шимариб" "сабоқ" беришга киришганда такроран ҳуқуқ-тартибот органи ходимларига рўбарў бўлди. Биринчи бор маъмурий жавобгарликка тортилганида диний билим борасида ўзининг саводсизлигини тан олиб, қилмишидан пушаймон бўлган Т.Йўлдошев энди мунофиқлик қилиб, жиноятга қайта қўл урди. Жиноят кодексининг 229-2-моддасида кўзда тутилганидек, махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек, хусусий тартибда диний сабоқ бериш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам содир этилса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Зеро, диний таълимотлардан сабоқ беришнинг белгиланган тартибини бузиш жиноят объекти бўлиб ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан диний таълимотдан сабоқ бериш бошланган пайтдан эътиборан жиноят содир этилган ҳисобланади. Башарти, айбдор шахс диний таълимотлардан сабоқ бериш пайтида миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, ўзаро муросасизлик ёки қадр-қимматини, диний эътиқодига ёки эътиқод қилмаслигига қараб фуқароларнинг ҳис-туйғуларини камситувчи ҳаракатларни содир этган бўлса, бу ҳаракатлар жиноятлар мажмуи тариқасида Жиноят кодексининг 229-2- ва 156-моддалари билан квалификация қилинади.

Мамлакатимизда дунёвий билимлар билан бирга диний таълимотни ўқиб-ўрганиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Қонун доирасида махсус билимларни эгаллаб, диний сабоқ беришга ҳеч қандай монелик кўрсатилмайди. Бироқ диний таълим асосларини ўрганмаган ва моҳиятини уқмаган кимсаларнинг бошқаларга дин аҳкомларидан сабоқ бериши ғайриқонуний фаолият ҳисобланади. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: диний таълим олишни истовчилар нима учун муносиб илм маскани ёки устод танлашда синчков эмаслар? Нақотки, ота-оналар айрим саводсиз кимсаларнинг диний сабоқ никоби остида фарзандлари онги шуурини заҳарлашларига бефарқ бўлсалар? Ўша кимса ихтиёрига фарзандини ишониб топшираётганлар нега сабоқ берувчининг салоҳиятини, тегишли ҳужжатларини суриштирмайдилар? Ёки биронта хонадонга одамларни тўплаб ўз ҳолига "мактаб" ташкил этаётган бу қонунбузарларнинг "фаолияти"дан маҳалла-кўй, унинг мутасаддилари бехабарми? Аксарият ҳолларда бундай ишлар атрофдагиларга маълум бўлади, лекин чора кўришга келганда эса...

Диний билимларни чуқур ва асосли ўргатувчи билим масканлари, масжиду мадрасалар бўла туриб, фақатгина моддий манфаат илинжидаги қонунбузар кимсаларнинг ўзбошимчалик билан "сабоқ" бериши каби ҳолатлар барчага — диний билим даргоҳлари ва маҳаллалар мутасаддилари, ота-оналар, умуман, ҳар биримизга сабоқ бўлиши лозим.

Маҳмуджон ҚАЮМОВ,
Марғилон шаҳар прокурори.

Андижон вилояти

Саховатпешаларданмиз

Қўрғонтепа тумани Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги Раҳмонов номли маҳаллада истиқомат қилувчи Хотира момо Ҳусанова узоқ йиллардан буён ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз яшаб келаётган эди.

ХОТИРА МОМО КЕЛИН ТУШИРДИ

меҳр-оқибатли маҳалладошлар саховати туфайли тўй файзли ўтди

Унинг иссиқ-совуғидан кун-кунора хабардор бўлиб келаётган маҳалла аҳли маслаҳатлашиб, савоб ишга қўл уришди. Хотира момонинг марҳум ўғлидан қолган яккаю ягона набирасини уйлантириш тараддудига тушишди. Маҳалла оқсоқоли Мўйдинжон Тўйғонов, тадбиркорлар, ҳомийлар ва маҳалла аҳлининг беминнат ёрдами туфайли Хотира момо хонадонига файз кирди: оқ либосда сулув келинчак остона ҳатлаб кириб келди. Шу куни тўйбоши бўлиб турган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон Тожиматовнинг саъй-ҳаракатлари боис, ушбу хурсандчилик тадбири уюшқоқлик билан ўтказилди.

— Умримнинг 40 йили ёлғизликда ўтган бўлса-да, ҳамиша оғир дамларда ҳамқишлоқларим, маҳалладошларимга суяндим. Менга доимо меҳр-оқибат кўрсатиб келаётган, бугун эса хонадонимни нурга тўлдирган маҳалладошларимга раҳмат айтаман, — дейди кўнгли тоғдай кўтарилган Хотира момо.

Яқинда 70 ёшни қарши оладиган момо эзгулик улашган яхшиларни дуо қилиб, келгуси йил бешик тебратишни орзулаб турибди...

Маҳалладошларнинг саховатидан баҳраманд бўлган Тўтихон Абдуқодирова, Ражаббой Бўтаев каби кексалар ҳам ана шундай сахий, танти юртдошлари борлигига шукрона айтишди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ўрмончилик тарихидан

БОҒИ ЖАҲОНда ЙЎҚОЛГАН ОТ...

боғ шу даражада катта эдики, йўқолган от олти ойдан сўнг топилган!

Курраи заминда Ўзбекистоннинг қулай, серқуёш ҳудудда жойлашуви бизга табиатнинг бебаҳо инъомидир.

Ўлкамиз қадимдан ўзининг бой ўрмони, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда жаннатмакон табиати билан Марказий Осиёда салмоқли ўрин эгаллайди. Ўрмонлар нафақат табиат кўрки, балки ҳаёт зийнати, кўпдан-кўп ноз-неъматлар манбаидир. Юртимиз ўрмонларида арча, қарағай, қайрағоч, баранг, ёввойи терак, водий тераги, тол каби манзарали, бодом, дўлана, жийда, ёнғоқ, хандон писта, олма, нок, тоғолча каби мевали дарахтлар кўплаб ўсади.

Мевасиз дарахтларнинг аксари мебелсозлик саноатида кенг фойдаланилади. Айримларидан қурилишбоп материаллар тайёрланади, сунъий ипак, эфир мойи, уксус кислотаси, турли дори-дармонлар, этил спирти, қоғоз олинади. Мевали дарахтлар эса ҳосил беришдан ташқари кондитер маҳсулотлари тайёрлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўрмон неъматлари ичида ёнғоқ айниқса қадрланадики, унинг мағзида ёғ ва бошқа ноёб элементлар кўп. Фарғона, Чоткол, Угом, Пеком ва Ҳисор тоғ тизмаларида жойлашган йирик ёнғоқзорлар инсонлар учун жуда катта бойликдир. Хандон писта меваси оқсилга бой, ундан олинадиган эфир мойи ва ёғ қандолатчиликда фойдаланилади. Бодом мағзида ёғ ва оқсил, шунингдек, қанд ва елим мавжуд. Мағзи қандолатчилик саноатида, ёғи тиббиётда, аччиқ мағзидан олинадиган эфир мойи косметикада ишлатилади. Республикамизнинг Боботоғ, Ҳисор, Туркистон, Фарғона, Чоткол тоғларида пистазор ва бодомзорлар кўп. Тоғ дўланаси шифобахш неъмат ҳисобланади. Тиббиётда унинг спиртли шарбатидан юрак-томир касалликларини даволашда қўлланувчи кардиновален препарати тайёрланади. Ёввойи олма, нок ва қора кишмиш каби яна бир қанча ўрмон неъматлари борки, улар халқимиз дастурхонига файз киритиб-гина қолмай, шифобахш хусусиятга ҳам эгадир. Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ўрмон хўжаликларида тоғ мевалари ёнғоқ, дўлана, жийда, тоғолча, анзур пиёзи сингари доривор ўсимликлар, Бўстонлиқ ўрмонларида дўлана, бодом, жийда, ёнғоқ мўл-кўл. Табиат яратган бу бебаҳо хазинадан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиш керак. Қаер дарахтзор бўлса, ўша ернинг ҳавоси тоза, иқлими мўътадил. Ўрмонларимиз неъматлар кони бўлиш билан бирга, табиий офатлар қалқони ҳамдир.



Юртимизда яшил бойлик ҳисобланган ўрмонларга, боғу роғларга бўлган муносабат, эътибор қадимдан кучли бўлган. Кўчатлар экиб, дарахтзорларни кўпайтириш ва ундан кундалик турмушда фойдаланиш неча минг йиллар олдин бошланган. XIV-XV асрларда Моваро-ннаҳрда боғ-истироҳатчилик ва ўрмончилик равнақ топган эди. Амир Темур Самарқанд атрофида 12 та муҳташам боғ бунёд этганлиги ва унинг довруғини ўша давр тарихчиси Ибн Арабшоҳ, испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихо ҳамда Мирзо Бобурлар ёзиб қолдирган. Жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур томонидан барпо этилган Боғи Жаҳон шу даражада катта бўлганки, у ерда йўқолиб қолган от, олти ойдан сўнг топилган эмиш. Ушбу ҳикоя қилинаётган боғ ҳозирги Зарафшон тизма тоғидаги Тахти Қорача довони, Омонқўтон ўрмон оромгоҳи жойлашган ҳудуддир. Бу ўша вақтларда дарахтзор ва ўрмонлар ниҳоятда кенг ҳудудларни эгаллаганлиги ва қалин бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Лекин афсуски, хонликлар даврига келиб, кўп жойлардаги, айниқса, Зарафшон ва Фарғона водийлари, шунингдек, Тошкент атрофидаги ўрмонлардан турли мақсадларда, жумладан, қурилиш ва ёқилғи сифатида беҳисоб ва бетартиб фойдаланилган. Бу ҳудудлардан истаган киши "ёғоч пули" солиғи тўлаб, эвазига дарахтларни кесиб кетаверган. Хонликлар томонидан кучли назоратнинг ўрнатилмаганлиги туфайли ўрмонлар йил сайин сийраклашиб, камайиб борган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳафта бошида юз бериши кутилаётган қувончли воқеа таассуротлари сизни узоқ вақтгача тарк этмайди. Айрим масалаларда ҳушёрроқ бўлишни ҳам унутманг.

СИГИР(22.04-20.05)

Сизга ҳафта анча зерикарли ўтаётгандек туюлиши мумкин. Лекин келгусидаги муҳим ишларга айнан шу кунларда пойдевор қўйганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Турмуш ташвишларидан бироз бўшаб, енгил тин олишга имкон топасиз. Ҳафтанинг сўнгги кунлари сиз учун омадли келиши кутилмоқда.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ушбу ҳафта айримлар ишда муваффақият қозонсалар, айримлар узоқ пайтдан буён орзу қилиб келаётган нарсаларига эришадилар. Дам олиш кунлари соғлигингиз ҳақида қайғуринг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта ўрталарида сизга иш юзасидан ҳамкорлик таклиф этишлари мумкин. Яхшилаб ўйлаб кўринг. Акс ҳолда чув тушишингиз эҳтимолдан холи эмас.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Мазкур ҳафтада молиявий жиҳатдан бироз қийинчиликка дуч келасиз. Асло умидсизликка тушманг. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, деган нақлга амал қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Кутилаётган ҳафта шахсий ҳаётингизда кутилмаган янгилик юз беради — орзу қилган инсонингизни учратасиз. Ҳиссиётларга берилиб, воқеаларни холис баҳолашни унутманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Катта ишларни бошлашингиз учун қулай фурсат етди. Лекин атрофингиздаги инсонлар билан муносабатда хушёрроқ бўлишингиз зарур.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ушбу бурж вакиллари учун ҳафтанинг илк кунлари бироз омадсиз келади. Шу туфайли вужудга келган дилхираликни дам олиш кунларининг файзи ва қувончи ювиб кетади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда атрофдагилар билан хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда табиатингиздаги инжиқлик ва қўполлик сизга қимматга тушиши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Сўнгги пайтларда ишдаги ва оиладаги муаммоларни деб ҳалдан ташқари чарчагансиз. Яқинларингиз билан табиат қўйнида дам олсангиз айни муддао бўлади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ҳафтанинг иккинчи ярмида сафарга чиқишингиз ёхуд узоқдан меҳмонлар ташриф буюриши мумкин. Дам олиш кунларида спорт билан шуғулланинг.

НОН — неъматларнинг УЛУҒИ

Ўзбек новвойларининг маҳоратига тан бериш жоиз: ҳар ҳудуднинг нони ўзига хос таъм ва кўринишга эга. Ёпилиш услуби турфалигини айтмайсизми? Наманганлик новвойлар ёпган ёғлик патирлар, гижда ва жиззали нонлардан тотиб кўрган киши бу улуғ неъматнинг хуштаъмини бир умр унутмаслиги аниқ.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Самарқанд вилояти

Маҳорат намойиши

Самарқанд шаҳрида компьютер ўйинлари бўйича мамлакатимиз чемпионатининг ҳудудий саралаш босқичи якунланди.

КОМПЬЮТЕР БИЛИМДОНЛАРИ БАҲСИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур турнирда Жиззах ва Самарқанд вилоятларидан 300 нафар компьютер билимдони иштирок этди.

Ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини аниқлаш, замонавий ахборот воситаларида ишлаш кўникмасини ошириш ва тафаккур дунёсини бойитиш мақсадида ўтказилган мусобақада Самарқанд вилояти вакиллари ғолиб чиқди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПМОҚДА

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ташаббуси билан Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Чуст, Андижон шаҳарларидаги халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунармандларининг минтақавий кўргазмаси иш бошлади.

Мазкур кўргазманинг айнан қадимий ва бетакрор маданияти, ҳунармандчилиги билан дунёга танилган юбиляр шаҳарда ташкил этилишида ҳам рамзий маъно бор.

Кўргазма 16 июнга қадар давом этади. Дастлабки беш кунликда Фарғона, Андижон ва Наманган, иккинчи беш кунликда эса Хоразм, Қашқадарё ва Бухоро вилояти усталари ўз ишлари билан иштирок этадилар.

Қатнашчилар турли ҳунармандчилик мактаблари анъаналари асосида яратилган маҳсулотлар, уларнинг тайёрланиш жараёни билан танишишлари мумкин. Бундай кўргазмалар ҳунармандларнинг ўзаро тажриба алмашишлари, миллий анъаналаримизнинг кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

Тошкент шаҳри

СУЗИШНИ БИЛМАСАНГ, ДАРЁГА ТУШМА!

Ёз фаслида кунлар исиши билан очиқ сув ҳавзаларида чўмилишга имкон туғилади. Фусункор табиат бағрида чарчоқни унутиб, оқар сувда чўмилишнинг ўзига хос гашти бор, албатта. Лекин баъзида бундай дам олиш чоғларида нохуш ҳодисалар рўй бериши ачинарли ҳол.

— Ҳукуматимиз томонидан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилаётганига қарамай, бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Ғаввос бўлмасанг, дарёга яқинлашма, деганларидай, сувда сузишни, очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш қоидаларини билмай туриб, сув ҳавзасида чўмилмаган маъқул, — дейди Тошкент шаҳар ФВБ Авариякутқарув отряди командири, подполковник Бахтиёр Усмонов. — Кўприк тагларидан сузиб ўтиш, қирғоқлардаги дарахт илдизларига илашиб қолган темир-терсаклар, шиша синиқлари ва бошқа хавфли жисмлар инсон ҳаётига хавф туғдиради. Нотаниш сув ҳавзалари, тақиқланган жойларда, айниқса, спиртли ичимликлар ичган ҳолда чўмилиш фожеавий якун топиши мумкин. Юқори қувватли электр симлари ўтган таянчлардан сувга сакраш, қирғоқдан йироқда сузиш ёки ёнингарчилик кутилаётган об-ҳавода чўмилиш ҳам хавфлидир.

Нохуш ҳолатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сувда чўкиб, нобуд бўлаётганларнинг аксарияти болалар. Жорий йилнинг биргина май ойи мисолида фикримизга ойдинлик киритайлик: 13 май куни Учтепа тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи "Бўзсув" каналида чўмилиш мақсадида 10 ёшли бола сувга тушиб, чўкиб кетган. Шу куни Чилонзор туманида ҳам 9 ёшли бола нобуд бўлган. 14 май куни Юнусобод туманидаги "Ал-Азиз" хусусий ошхонаси биқинидан оқиб ўтувчи "Анҳор" каналида 16 ёшли ўсмир чўмилиш мақсадида сувга тушиб, чўкиб кетган. 22 май куни оила аъзолари билан бирга дам олиш ниятида сайрга чиққан 13 яшар қизалоқ фаввора сувига тушиб, сузишни билмаслиги оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ушбу нохуш ҳолатларнинг барчаси фуқаролар, айниқса, ёшлар, болалар ўртасида тушунтириш ишларининг етарлича олиб борилмаганлиги ва болаларнинг сузишни билмаслиги оқибатида келиб чиққан.

Хуснияхон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар ФВБ матбуот хизмати ходими.

Ҳаёт чорраҳаларида

БИР ЧИМДИМ МЕҲР...

„Қалблар меҳр-мурувватга қанчалик ташна бўлса, меҳр-мурувват ҳам қалбларга шунчалик ташнадир". Мен бу сўзларни қаердадир, кимдандир эшитганман...

Ҳеч ёдимдан чиқмайди: бир аёл қишлоғимиздаги кекса кишига хотин бўлиб тушди. Унга 7-8 ёшлардаги ўғилчаси ҳам эргашиб келган эди. Бу воқеалар содир бўлаётганда мен ҳали бола эдим.

Қари "ота" шунчалик қаҳрли эдики, болакайни қамчилаб қувлаганига кунда-кунора гувоҳ бўлар эдик. Қамчиларнинг зарбидан бола қочишга уринар, лекин на йиғлар, на ҳафа бўлар эди.

Саратоннинг жазирама кунларида ўша болакай тақир бош, юпун кийим ва оёқяланг ҳолда уйимизнинг ёнгинасидан яйдоққа битта сигир ҳайдаб ўтарди. Онам деярли ҳар куни унинг йўлига чиқиб, "Иссиғингни олади", дея қўлига помидор, бодринг тутқазар, гоҳида эгнига кийим, бошига дўппи ҳам кийгизиб юборарди. Эртаси куни эса яна тақир бош, юпун кийим, оёқяланг ҳолда сигир етаклаб ўтарди. Кечаги кийимларини нима қилгани сўралса, у эслай олмайди ҳам. Лекин ҳар гал онам унга егулик тутганида кўзлари чақнаб, болаларча яшнаб кетар ва назаримда, фақат шу онлардагина унинг мурғак қалби борлиги билинарди.

Орадан кўп ўтмай золим отадан безган болакай ва она қаерларгадир бош олиб кетишди. Балки у улғайиб, қачонлардир, қаердадир, кимдир йўл бўйида қўлига егулик тутқазганини эслай ҳам олмас. Аммо онам тез-тез ёдга олади. Шунда ҳам болани хурсанд қилганини эмас, унга меҳр кўрсатишни қанчалик хоҳлаганини кўпроқ эслайди.

Қалбдаги меҳр мурувватга зор кўнгилни қидириб топади. Чунки "Қалблар меҳр-мурувватга қанчалик ташна бўлса, меҳр-мурувват ҳам қалбларга шунчалик ташнадир". Ҳа, мен бу сўзларни қаерда ва кимдан эшитганимни эсладим...

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Янгисидан бор...

Бир эркак врачга мурожаат қилибди:

— Жаноб доктор, сочим тўкилиб кетаяпти. Уларни сақлаб қолишим учун менга бирор нарса беролмайсизми?

— Нима бересам экан-а? Майли, мана бу қутичани олақолинг...

* * *

Эшик жиринглайди. Уй эгаси эшикни очмай, сўрайди:

— Ким бу?

— Марҳамат, бир-икки сўм худо йўлига...

— Яхши, яхши, эшикнинг тагидан узата қолинг.

* * *

Икки ёш врач маслаҳатлашишаяпти:

— Нима қилдик, беморни даволаймизми ё юра турсинми?

ЧПКФ "MARIYAMXON" (ОКПО 15779807) сообщает об увеличении Уставного фонда с 17300000 сумов до 57609306, 41 сумов. Претензии принимаются в течении недели по тел: 199-84-01.

Частная производственная коммерческая фирма "MARIYAMXON" (ОКПО 15779807) перерегистрируется в ООО "MARIYAMXON". Претензии принимаются в течении недели по адресу. гор. Ташкент ул. Фагона йули 95. тел: 199-84-01.

ДХО "Мелиосувқурилиштранс" (ОКПО 17986643) Чиланзарского р-на преобразуется в ООО "Мелисувқурилиштранс". Притензии принимаются в течении 2-х месяца по адресу ул. Магазин Мавзук 293 тел: 398-51-84.

ТДЮИ қошидаги Академик лицей томонидан 2004 йилда Узаков Темур Давронович номига берилган 000911 рақамли диплом йўқолганлиги сабаб бекор ҳисобланади.

ООО "Доно Барно" Юнус-Абадского р-на (16-квартал ул Хилбон, 3) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 6912000 сум до 5850000 сум.

ООО "Мухаммадфари" (ОКПО 19659859) г. Ташкента Яккасарайского р-на ликвидируется. Притензии принимаются в течении 1 месяца по тел: 701-61-16, 124-95-96.

Утерянное свидетельство на розинчную торговлю № 1001376 выдан. 25.10.2004 г. на имя частного предпринимателя Ерназаровой Хилолы Бахтияровны считать не действительным.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани 115-ўрта мактабдан 1988 йилда Ботиров Анвар Бозорович номига берилган O'R—SH 0184241 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "UZUROQULOTA" Сергелийского р-на г. Ташкента (ОКПО 19234723) ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации. Тел: 389-52-18.

ООО "GAZMASHTRANS" (ОКПО 20349688) Яккасарайского р-на г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 1 месяц со дня публикации по тел: 133-71-66.

Чилонзор туманидаги 200-мактаб томонидан 2005 йилда Абдурахмонова Ирода Абдунабиевна номига берилган 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги 1536947 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"Ал-жавохир-Низом" (ОКПО 20082796) ҳамда "Диёр коммунал" (ОКПО 181492005) уй-жой мулкдорлари ширкати ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартирмоқда. Даъволар 2 ой давомида қабул қилинади. Тел: 297-54-92. 297-66-46.

М.Улуғбек тумани ҳокимлигидан 2004 йил 4 ноябрда Кадыров Зафар Сайдакбаровичга якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш учун берилган т. р. 0400983 гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

«Маҳалла» жамғармаси Жиззах вилояти бўлими жамғарманинг Янгиобод тумани бўлинмаси раёсат кенгаши аъзоси, меҳнат фахрийси **Иброҳим ҚУЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Маҳалла» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими Бағдод туманидаги Мурувват маҳалласи оқсоқоли **Шермуҳаммад РЎЗИМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 13 июнь
24 (574)

15768 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 23456